O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING

Q A R O R I

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2022 - yil 26 - may VI-31-47-6-0-K/22 Namangan viloyati hokimligi

Чуст ва Янгиқўрғон туманларидаги махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Чуст туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари 1-иловага мувофиқ;

Янгиқўрғон туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 19 мартдаги 179-6-0-Q/22-сон қарори ўз кучини йўқотсин.

4. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси ҳамда туризм ва маданий мерос бош бошқармаси тегишли бошқарма ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарори талаблари асосида иш ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокими ўринбосари Б.Нуритдинов зиммаларига юклансин.

Xalq deputatlari Namangan viloyati Kengashi raisi **Sh.Abdurazakov**

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 26 maydagi
VI-31-47-6-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Чуст туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари

РЎЙХАТИ

Т/р	**Туман номи**	**Ҳудуд номи**
1	Чуст тумани	“Юқори” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
2	Чуст тумани	“Ғовасой соҳили” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
3	Чуст тумани	“Биби она” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
4	Чуст тумани	“Камарсада” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 26 maydagi
VI-31-47-6-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Янгиқўрғон туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Туман номи	Ҳудуд номи
1	Янгиқўрғон тумани	“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
2	Янгиқўрғон тумани	“Сой бўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
3	Янгиқўрғон тумани	“Зарбдор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
4	Янгиқўрғон тумани	“Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
5	Янгиқўрғон тумани	“Қайроқи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
6	Янгиқўрғон тумани	“Қизилёзи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди